Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 8 февраль •шанба • № 21 (4306)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Эзгулик удуми

БИЗ яхшилик занжирининг биримиз!

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Хотин-қизлар қўмитаси ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Сирдарё туманининг барча маҳаллаларида «Биз яхшилик занжирининг биримиз!» шиори остида икки кунлик умумхалқ ҳашари бошланди.

Ҳашарда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган ҳашарчилар кўп қаватли уй-жойлар атрофи, кўча ва йўлакларни тозаламоқда. Спорт иншоотлари, хизмат кўрсатиш нуқталари атрофи саранжом–сариштa этилиб, ободонлаштирилаётир.

Туманда «Биз яхшилик занжирининг биримиз!» шиори остида умумхалқ ҳашари қизғин давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз

Улуғ мутафаккир даҳосига эҳтиром

4-саҳифада ўқинг >>>

ЎзА суратлари.

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида Бизнес ва ишбилармонлар форуми тузилди. Шу тўғридаги меморандум Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Ҳиндистон Савдо-саноат палаталари федерацияси (FICCI) раҳбарлари томонидан имзоланди.

Савдо-саноат палатаси ахборот хизмати

* * *

Жиззах шаҳрида инвестиция дастури асосида қуриб битказилган вилоят **эндокринология диспансерининг замонавий янги биноси** фойдаланишга топширилди.

uza.uz

* * *

Сингапур Республикасининг Савдо ва саноат вазири жаноб **Ко По Кун** ва бошқа расмий идора вакилларидан иборат делегация **Сирдарё вилоятида бўлди.**

uza.uz

* * *

Тошкентда **«Янги Ўзбекистонни ёшлар билан бирга қурамиз!»** шиори остида ватанпарварлик фестивали бошланди.

uza.uz

* * *

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган 10 жилдлик журналистикага оид китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

ishonch.uz

Акс-садо

Чуқур таҳлил ва теран қарашлар ифодаси

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг раиси Қудратилла Рафиқовнинг мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган «Интеграциялашув жараёни: тўғри йўлни танлаш» сарлавҳали мақоласини ўқиб...

Мақолани мутолаа қилар эканман, ёдимга Германия Федератив Республикасининг канцлери Гельмут Шмидтнинг «Бозорлар парашютга ўхшайди, у очилсагина бозор бўлади» деган сўзлари тушди.

2 ▸

3-саҳифада ўқинг >>>

Муносабат

Тараққиёт дастурига камарбастамиз

Сайфулла АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мамлакатимиз янги тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу дастурий маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиши зарурлиги, ўзларининг асосланган таклифларини бериб бориши кўплаб масалаларга ечим топишга кўмаклашиши тўғрисидаги фикрлари мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланмиш касаба уюшмаларини ҳам бу борада янада ташаббускор, қатъиятли бўлишга ундайди ва катта масъулият юклайди.

Мурожаатномада белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ислоҳотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз ҳаётида ҳис этишига муносиб ҳисса қўшиш йўлида барча имкониятларни ишга соламиз, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишларда камарбастамиз.

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

platforma.uz

Ниқоб ортига яширинган виждон

Мен бозордаги вазиятдан кўз-қулоқ бўлиб турадиган, аҳён-аҳёнда қуюшқондан чиқадиган «учарлар»нинг танобини тортиб қўядиган (тўғрироғи, тортиб қўйиши керак бўлган) назорат идораларининг «дўқ-пўписалари»га унчалик ҳам ишонмай қўйганман. Уларнинг иш тутуми худдики ёш бола кимдандир шикоят қилиб келганда, «Ҳали шошмай турсин у, адабини бериб қўяман» қабилидаги ёлғон манзиратга ўхшайди. Бундан бошқача эмас...

Эсингиздами, 2018 йил охири, 2019 йил бошларида газ «заправка»ларда нарх бирданига 2000-2200 сўмгача кўтарилиб кетганда, ЎзА ва бошқа оммавий ахборот воситалари роса ёзди, «Нега?», «Нима учун?» деган саволларни кўндаланг қўйди. Гап-сўз кўпайгач, ноилож Молия вазирлиги катта саҳнага чиқди. «Нархни оширгани у қиламиз, бу қиламиз» деди.

Ёлғон бўлмасин-у, ўша ҳафталарда айрим «заправка»ларда газ баҳоси 1800 -1900 сўмга пасайган бўлса, баъзиларида атиги 100 сўмга туширилиб, ҳеееч қўрқмай 2100 сўмдан сотилаверди. Шу билан бу мавзу ёпилди, «алдагани шофёрлар яхши» бўлди... Икки орада барибир таъминотчи ютди: 400-500 сўмдан доимий қўшимча даромадни йўлга қўйволди... Шу воқеадан тахминан 6-7 ой ўтиб, нарх 2600 -2650 сўмга чиқди. Аммо бу гал Молия вазирлиги «қораси»ниям кўрсатмади... Кўрсатганда нимаям дерди? «Сабр, укам, сабр» дерди-да...

Нега энди яқин ўтмишни эслаб қолдинг, дерсиз? Хуллас, кеча Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг аптекаларда «маска» нархи ошиб кетаётгани ҳақида билдирган муносабатини ўқиб, беихтиёр газ воқеаси ёдга тушиб кетди. Агентлик нима деяпти? «Ваколат доирамизда назоратга оламиз», «Лицензия талаблари ва шартларини бузганларнинг лицензиясини олиб қўямиз», деяпти.

Ўша ваколатнинг кучи қай даражада? Кимга етади? Биров писанд қиладими? Лицензиясини олиб қўйса-чи? «Ўзбекконцерт»га ўхшаб, босимдан қўрқиб, бир кунда дарров яна қайтариб бермайдими? Ҳар нарса бўлиши мумкин...

Билмадим, шахсан менда ишонч йўқ. Ҳисобот учун 10-15 та дорихонадаги нархни «ушлаб» қўйиб, кўкрагига урмаса, қолганида вазиятни ўзгартира олади, деб ўйламайман. Бўлмаса, ҳали-ҳануз «маска»лар 1500 – 2000 сўмдан сотилиб ётмасди.

Аслида, одамда қалб, виждон, миллатпарварлик, оқибат бўлса ҳеч қандай назоратчи-ю агентлик керак эмас... Вазиятдан унумли фойдаланаётган «тадбиркор» дўстим, айтинг, ўша ниқобни ким тақади? Бегона эмас. Санаб берайми? Кексалар, оналар, оталар, сингиллар, укалар, болалар, дўстлар, яқинлар, қондошлар...сиз, мен, биз, ҳаммамиз, бутун юртимиз! Қаранг, орамизда бегона борми? Йўқ! Демак, инсоф-у диёнатни, виждонни ўртага қўйиб, чуқур ўйлаб кўринг...

platforma.uz

Азиз газетхонлар!

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляпсизми?

Таҳририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида **«Муштарий гуруҳи»** каналини ташкил қилди. Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – **t.me/ishonchmurojaat** орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, таҳририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Шунингдек, мурожаатлар **(+99871) 256-87-73** телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

◂1

Сиёсатшунос бугун кенг жамоатчиликнинг жиддий мунозараларига сабаб бўлаётган мавзу – мамлакатимизни Евроосиё иқтисодий иттифоқига қўшилиш-қўшилмаслик масаласини таҳлил қилар экан, мавжуд имкониятлар ва тарихий манбалар асосида чуқур мушоҳада юритади. Хусусан, жаҳон савдо марказларидан узоқда жойлашганимиз, бунинг устига, ўз маҳсулотларимизни экспорт қилиш учун логистикаси нисбатан арзон бўладиган денгизларга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятимиз йўқлиги мисол сифатида келтирилади. Қарангки, дунёда ана шундай фақат икки давлат – Ўзбекистон ва мўъжазгина Лихтенниши, умумий меҳнат бозорида иш кучи рақобатининг кучайиши, таълим соҳасида ҳамкорлик, интеллектуал мулкнинг ҳимояланиши, илмий-техник интеграциялашувга оид кенг кўламли фикрларни қайд этиб ўтган.

Янада муҳими, ушбу ижобий жиҳатлар аниқ рақамлар, далиллар билан чуқур асослаб берилган. Маълум бўлишича, Евроосиё иқтисодий иттифоқининг тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари бозори 12 миллиард АҚШ долларига баҳоланаётгани ҳолда, бу бозордаги Ўзбекистоннинг ҳозирги улуши эса атиги 1,6 миллиард долларни ташкил этаётган экан. Ҳолбуки, мамлакатимиз ушбу соҳада етакчи экспортчи ҳисобланади.

Чуқур таҳлил ва теран қарашлар ифодаси

штейн мавжуд экан. Савдо йўлларини назорат қиладиганлар савдони ҳам бошқаришлари ёки ўзлари бойишлари аниқ ҳаётий мисолларда асослаб берилган.

Бундай шароитда мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига қўшилиши манфаатли кўриниши мумкин. Мақолада бу ўта жиддий масалада сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан пухта қарор қабул қилишда эътиборга молик еттита ижобий жиҳат, шунингдек, эҳтимол тутилаётган салбий омиллар келтирилган.

Маълумки, Евроосиё иқтисодий иттифоқининг асосий мақсади – эркин товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат бозорини яратишдир. Бугунги кунга келиб иттифоққа аъзо бўлган Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ушбу мақсаднинг биттасига – эркин иш кучи бозори тўлиқ амал этишига эришган. Эркин хизматлар бозори эса ҳозирча 43 секторда амал қилиб, аъзо давлатлардаги хизматлар ҳажмининг 50 фоизини ташкил этади. Аъзо давлатларнинг товарлар бозори тўлиқ эркин амал қилиши йўлида турли муаммолар учраб турибди. Эркин молия бозорини шакллантириш эса 2025 йилга режалаштирилган.

Мақола муаллифи Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлишининг ижобий жиҳатлари сифатида маҳсулот ўтказиш учун янги бозорлар очилиши, транспорт ва логистика соҳасида манфаатли имкониятлар пайдо бўлиши, умумий бозорда харидорларнинг кўпайиши, миллий валюталардан фойдаланиш, меҳнат миграциясининг енгиллашиши ва бошқа мамлакатда иш топганларнинг ижтимоий ҳимоя қилинган расмий патентга эга эканлиги, яна 885 минг ҳамюртимиз бу мамлакатга ишлаш учун келганликларини билдиргани, лекин ҳозирча патент олмаганликларини маълум қилган.

Юқорида Евроосиё иқтисодий иттифоқида эркин меҳнат бозори амал этаётганлиги кўрсатилган эди. Яъни ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг фуқаролари иттифоқнинг хоҳлаган мамлакатида патентсиз меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Шу билан бирга, мақолада кўрсатилганидек, меҳнат мигрантларининг жисмоний шахслардан олинадиган солиқ миқдори ҳозирги 30 фоиз ўрнига 13 фоизни ташкил этган бўларди. Шунга кўра, ҳозир Россияда турган Ўзбекистон фуқаролари ҳам ана шу ҳуқуқларга эга бўлсалар, улар қўшимча қарийб 3 миллиард долларга яқин иш ҳақига эга бўлишлари мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқарилган.

Мамлакатимизнинг ушбу интеграция ташкилотида тўлақонли аъзо сифатида иштирок этиши учинчи мамлакатларга мева ва сабзавот экспортини уч баробарга кўпайтириш билан бирга, савдо тўсиқлари бартараф этилиши, транспорт харажатлари камайиши, савдо ва транзит тартибларини соддалаштириш имкониятларини яратиши ҳам қайд этилган. Жумладан, ушбу иттифоқда товарлар транзитида ягона тарифлардан фойдаланиш юк жўнатувчилар ва қабул қилувчилар харажатларини 221,6 миллион долларга камайтира олар экан. Натижада экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг таннархи пасаяди ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги ортади.

Интеграциянинг учта ижобий жиҳати меҳнат миграцияси билан боғлиқлиги ҳам диққатни жалб этмай қўймайди. Маълумотларга кўра, жисмоний шахсларнинг биргина Россиядан Ўзбекистонга пул жўнатмалари 4 миллиард долларни ташкил этаётган экан. Бу ўринда Ўзбекистон фуқароларининг Россияда меҳнат фаолиятини қонуний асосда амалга оширишлари учун патент олишлари шарт эканлигини ҳисобга олиш керак.

Россия Федерал миграция агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон фуқароларининг, жумладан, Москва шаҳрида ишлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун бир ойлик патентнинг баҳоси 5350 рублни (қарийб 85 АҚШ долларини) ташкил этади. Ушбу агентлик ҳозирги пайтда Россияда 2 миллиондан кўпроқ Ўзбекистон фуқаролари турганлиги, уларнинг 760 минг нафари меҳнат фаолиятини амалга ошириш ушбу мақолани қайта ва қайта ўқир экансиз, Кудратилла Рафиқов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлишининг ижобий ва салбий жиҳатларини илмий даражада чуқур тадқиқ қилиши баробарида, биз – журналистлар учун маҳорат дарси ҳам тақдим қилган, дея оламиз. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари бугунги кунда журналистлардан худди шу каби чуқур таҳлилий изланишларни кутмоқда.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Наманган вилояти

Касаба уюшмалари – халқ хизматида

Биз илм-маърифатни ҳамма нарсадан устун қўйган, ақл-зако нури билан бутун дунёни ёритган аждодларнинг ворисларимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглаган ҳар бир фуқаро мана шу шукуҳни, аждодларга муносиблик масъулиятини, энг муҳими, бугунги катта одимларга ҳамоҳанглик кайфиятини ҳис қилгани табиий бир ҳолдир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Мурожаатномани таҳлилий ўрганиш жараёнида жорий йил учун қатор вазифаларни белгилаб олди. Бу вазифалар «Энди ҳар бир иш Янги Ўзбекистон тақдири учун! Янги Ўзбекистонннинг келажаги бугунги ҳаракатларимга боғлиқ!» деган қоида асосига қурилмоқда.

Шак-шубҳа йўқки, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили учун белгиланган мақсад ва вазифалар, хусусан, кадрларни қайта тайёрлаш, камбағалликни тугатиш, иш билан таъминланиш борасида концептуал ёндашувлар биз касаба уюшмалари ходимларига ҳар қачонгидан кўра катта масъулият юклайди.

Дастурда касаба уюшмаси томонидан мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, олий ўқув юртларида тарбиячи, ўқитувчи ва педагоглар билан ишлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш берувчи олдидаги мажбуриятларнинг бекам-у-кўст бажарилиши учун тегишли шароитларни яратишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Кези келганда, тиббиёт соҳасида барча даражадаги даволанувчиларнинг мавжуд имтиёзлардан тўла фойдаланиши, ишчи ходимлар шароитларини бугунги кун талаби асосида олиб боришни назорат қилиш асосий вазифаларимиздан бири эканини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳар бир ташкилот, корхона ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, жадвал асосида тушунтириш ишларини олиб бориш, корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларида қайд этилган иш берувчиларнинг хотин-қизлар, ёшлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги масъулиятини оширишга қаратилган меъёрлар кўламини кенгайтириш олдимизда турган муҳим ишлардан саналади.

Меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб қилиш, вилоятдаги уюшган ва уюшмаган ёшларнинг доимий мониторингини ўтказиш, уларни доимий иш билан таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирларини кучайтириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни аниқлаб, уларга ёрдам бериш мақсадида тижорат банклари билан ишлашни ташкиллаштиришни йўлга қўйишни ҳам режалаштирганмиз.

Мурожаатда ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарурлиги алоҳида таъкидланган бўлиб, ана шундан келиб чиққан ҳолда бандликка кўмаклашиш, аҳоли ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бирлашма тасарруфида янги иш ўринларини яратиш зарурати турибдики, буларнинг амалдаги рўёби фаровон турмуш шароитини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шунингдек, туризмни ривожлантириш, хусусан, Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ички туризм бўйича олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш, ана шу йўналишда ишчи-ходимларнинг юртимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатини уюштиришни мунтазам таъминлаш ҳамда соғлиқларини тиклаш мақсадида вилоятдаги мавжуд сиҳатгоҳларларда дам олишларини ташкиллаштириш борасида ҳам янги режалар тузганмиз. Шу билан бир қаторда, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш мақсадида Иккинчи Жаҳон уруши иштирокчилари ва фронт ортида меҳнат қилган кексаларни сиҳатгоҳларда даволатиш ва уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Меҳрибонлик» уйларида тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш билан, келажакда уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарурлиги Мурожаатда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ана шу мақсадда касаба уюшма ташкилотлари томонидан у ерда тарбияланувчи ёшларга ижтимоий кўмак кўрсатиш режалаштирилди.

Кам таъминланган фуқароларимизнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уларга моддий ёрдамлар кўрсатишда фаол иштирок этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг иқтидорли фарзандларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш, жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, касаба уюшма аъзоларининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўйича электрон дастур тузиш ва доимий назоратини олиб бориш, вилоятда маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини мунтазам ўтказишни ташкиллаштириш, маҳаллаларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳал этиш ижросини назорат қилиш сингари бир қатор амалга оширилиши режалаштирилган ишларимиз ҳам борки, буларнинг барчаси халқимизга беминнат хизмат қилиш учун ғайрат камарини янада маҳкам боғлаб фаолият кўрсатишимизни тақозо этади.

Шуҳрат МУСАЕВ,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Фарғона вилояти

Акс-садо

«Ishonch» газетасида чоп этилган «Касбилик деҳқонлар «хизмат доираси»дан ташқарида(ми)?» ҳамда «Косонлик деҳқонлар ҳам «хизмат доираси»дан чиқмоқда(ми)?» номли мақолалар билан танишиб чиқдик. Уларда дала заҳматкашлари манфаати, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тармоғидаги бугунги ҳолат, шунингдек, соҳадаги муаммолар ечими учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарурлиги ҳақида бонг урилган.

Ортга кетаётган иш

ёхуд деҳқон учун имтиёзлар нега камайиб бормоқда?

Олтиариқ тумани ўзининг меҳнатсевар ва миришкор деҳқонлари билан машҳур. Йил бўйи қилинган машаққатли меҳнат самара бериб, пахта ва ғалла етиштириш бўйича натижалар тобора яхшиланмоқда. Уларнинг муносиб нархларда сотиб олиниши натижасида эса фермер хўжаликлари яхшигина фойда кўряпти.

Аммо ўша мўл ҳосил яратишга катта ҳисса қўшган қўли қадоқ деҳқонни фермер қанчалик ижтимоий ҳимоя қиляпти? Деҳқоннинг оладиган иш ҳақи ҳали ҳам бир тележка сомон-у, бир арава ғўзапоя бўлиб қолмаяптими? (Сир эмас, пахта терими пайтида яхшигина терим пули тўланяпти). Дала заҳматкашларининг санаторийларда дам олиб, саломатлигини тиклаш даражаси ҳам фермернинг даромади сингари ўсяптими? Меҳнат муҳофазаси тадбирлари қанчалик бажариляпти? Қуйида туман кенгашимиз мисолида шу каби саволларга жавоб излаймиз.

2017 йилда туман кенгашимизга 179 миллион сўм аъзолик бадали тушган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 154 миллион сўм ва ўтган йили 104 миллион сўмга тенг бўлди. Шундан ходимларга 2017 йилда 15, 5 миллион сўм моддий ёрдам берилган. 2018 йилда бу кўрсаткич 11,7 миллион, 2019 йилда эса 9,5 миллион сўмни ташкил этган.

2017 йилда 12 миллион сўм сарфланиб, спорт тадбирлари ўтказилган бўлса, 2018 йилда 7,3 миллион сўм ва ўтган йили 4,5 миллион сўм маблағ жисмоний тарбия тадбирларига йўналтирилган.

Дала меҳнаткашлари учун 2017 йилда санаторийларга 40 та йўлланма ажратилган бўлса, 2018 йилда 30 та ва 2019 йили 11 та...

Ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича ҳам йилдан-йилга пасайишни кўриш мумкин: 120 нафар, 80 нафар ва 50 нафар...

Шу йилнинг 1 февраль санасидан бошлаб республикамизда ишчи-хизматчиларга бериладиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 679 330 сўм қилиб белгиланди. Аммо фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз ишчиларига лоақал шунча миқдордаги маошни ойма-ой беришадими? Афсуски, улар на ишчисига маош беради ва на унга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ўзи ва фарзандларини соғломлаштириш ишларида камарбаста бўлган касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тўлайди.

Ҳеч кимга сир эмас, пахта ва ғалладан мўл ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди. Далага йилига бир неча марта касалликларга қарши кимёвий дорилар сепилади. Фермер хўжалиги раҳбари бундай ҳолларда зарарли ва заҳарли шароитда ишлагани учун ишчисига сут-қатиқ маҳсулотлари, махсус кийим-бош бериши керак.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда ишчилар сони 20 нафардан ошганда, корхонада техника хавфсизлиги бўйича муҳандис штати жорий этилиши белгиланган. Демак, 30-40 нафардан зиёд ишчиси бор фермер хўжаликларига техника хавфсизлиги муҳандиси штатини ажратиш молия бўлимида кўриб чиқилиши лозим...

Кейинги йилларда касаба уюшмаси иши ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайгани кўринмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан илғор ишчи-ходимларни, фаол ёш мутахассисларни аниқлаш ва рағбатлантириш бўйича турли танловлар жорий этиляпти. Фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам касаба уюшмаси билан елкадош бўлиб, ходимларига бу каби тадбирларда фаол қатнашиши учун шароит яратиб бериши даркор. Хуллас, қиладиган иш кўп...

Президентимиз кўрсатмаси асосида Олтиариқда 3000 гектар ерда узумзор ташкил қилиш белгиланган. Демак, бу ҳам деҳқон ва боғбонларимиз омилкорлиги ва уларнинг фидойилигига билдирилган ишонч намунасидир.

Истардикки, дала заҳматкашлари меҳнати эвазига рағбат ҳам кўрса... Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва шу каби иш берувчи масъуллар деҳқонлардан фақатгина қора ишчи сифатида фойдаланишмаса. Уларга ҳам озми-кўпми, маош тўланса, меҳнат дафтарчалари юритилса, пенсияси жамғариб борилса. Яна истардикки, деҳқонлар ҳам бошқа тармоқлардаги ходимлар сингари касаба уюшмалари афзалликларидан баҳраманд бўлишса, ҳаёт фақат қора меҳнатдан иборат эмаслигини теранроқ англашса...

Айнан шу каби хайрли тадбирларнинг амалга ошиши учун ҳам касаба уюшмаси керак. Тармоқда касаба уюшмалари иши йилдан-йилга ортга кетаётгани эса барчани бирдек ташвишлантириши лозим.

Ушбу долзарб масалада мутасаддилардан амалий чора-тадбирлар кутиб қоламиз.

Одилжон ИБРОҲИМОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Олтиариқ тумани кенгаши раиси,
Мусохўжа ТЎХТАХЎЖАЕВ,
туман кенгаши ҳисобчиси

Тошкент шаҳри

Тадбир

«БАРКАМОЛ АВЛОД» болажонларга қанот бўлмоқда

Миробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактабида ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида шахмат турнири ўтказилди.

Унда тумандаги 125-, 213-, 214-, 218-, 263-умумтаълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари ўзаро куч синашди.

Миробод тумани халқ таълими бўлими мудири Бекзод Хўжақулов таъкидлаганидек, Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорига асосан 2020 йил январь ойидан «Баркамол авлод» болалар марказлари негизида «Баркамол авлод» болалар мактаблари ташкил этилди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, табиий ва аниқ фанларга доир тўгараклар ташкил этиш имконияти пайдо бўлди. Шу билан биргаликда, педагогларнинг ойлик маошлари ҳам оширилди.

Айни вақтда тумандаги «Баркамол авлод» болалар мактабида «Миллий рақс», «Тасвирий санъат», «Либослар дизайни» «Робототехника ва конструкторлик», «Ёш дастурчи», «Шахмат», «Бичиш-тикиш», «Ёш пазанда», «Ёш қандолатчи», «Тўқиш», «Карвинг», «Экодизайн ва интерьер», «Математика» ва «Инглиз тили» каби тўгараклар фаолият юритмоқда. Уларга туман мактабларида таълим олаётган 400 нафардан зиёд ўқувчи қамраб олинган. Бундан ташқари, «Баркамол авлод» мактаби тўгараклари ўқувчиларнинг қизиқишига қараб, 57-, 147-, 214-, 328-умумтаълим мактабларида ҳам ташкил этилган.

Тадбир давомида иштирокчилар тўгараклар фаолияти билан яқиндан танишиб, ўқувчиларнинг ижод намуналарини кўздан кечиришди.

Иштирокчилар Миробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Феруза Хуснидинхўжаевани «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлангани билан чин дилдан табриклашди.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Таълимда тадбиркорлик

Бизнес тренинг

Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Таълимда тадбиркорлик» мавзуида бизнес тренинг ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар таълимга оид жаҳон стандартларини Ўзбекистонга олиб кириш, ёшларнинг дунёда тан олинган фанларни, тилларни онлайн тарзда бепул кўринишда жорий этиш борасидаги мақсад ва эришган натижаларига тўхталишди. Тадбиркорликни бошлаб олишга оид керакли, ҳаётий маслаҳатлар беришди. Шу мақсадда таълимда олиб бориш мумкин бўлган тадбиркорлик фаолияти турлари, уларни бошлаш тартиб-қоидалари билан таништиришди.

Шунингдек, тадбиркорликдаги илк ҳаракатлар ва қийинчиликлар, янги иш бошлаганда бериладиган имкониятлар, инвестиция фаолияти, уларни жалб этишдаги тажриба ва кўникмалар ҳақида ҳам фикр юритилди.

Бизнес тренингда талаба-ёшларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Ҳуқуқ

Тириклай кўмилган мулк

Мамлакатимизда хусусий мулк дахлсиздир. Бу Конституциямизда кафолатланган. Аммо амалиётда ана шу ҳуқуқнинг поймол этилаётгани ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Қуйида баён этилаётган низоли ҳолат тафсилотлари бунинг ёрқин исботи.

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 433-сонли қарорига асосан 1993 йили Шайхонтоҳур туманида жойлашган собиқ ошхоналар трести давлат тасарруфидан чиқарилиб, «Шайхонтоҳур-таом» акциядорлик жамияти сифатида хусусийлаштирилган ва бу ҳақда Давлат мулк қўмитасининг 167-сонли ордери берилган. Ушбу корхонада кўп йиллардан буён ишлаб келаётган Ниғмон Раҳимжонов Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 июлдаги «Объектларнинг хўжалик жамиятлари ва ширкатлари таркибидан чиқиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 366-сонли қарорига асосан акциядорлик жамияти таркибидаги 6-ошхона биносини таркибдан чиқариб, бу ерда «ASLI-GULZOR» хусусий фирмасини ташкил этган. Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 01.08.1994 йилда тузилган олди-сотди шартномаси ва 09.09.1994 йилда тузилган ўзаро мажбуриятлар ва фаолият шартлари тўғрисидаги уч томонлама шартнома-битимга асосан хусусий фирмага 1994 йил 12 сентябрда 961-сонли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилган. Ушбу ордерга мувофиқ хусусий фирмага тегишли 853 м² ер майдонининг кадастр ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган. Бу пайтда фирмада 20 нафар ишчи меҳнат қилган.

Бироқ 25.06.2009 йилда қўшни ҳудудда жойлашган «Гулзор» хусусий корхонаси хусусий фирмага тегишли давлат ордери, олди-сотди шартномаси ва ижара ҳуқуқини рўйхатга олиш далолатномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва 536 м² ер майдонидаги биноларни ўзбошимчалик билан қурилган, деб топиш ва мазкур ер майдонини хусусий корхонага қайтариш ҳақида судга даъво аризаси киритган.

Мазкур даъво аризаси собиқ Тошкент шаҳар хўжалик суди ва кассация судида 5 марта қаноатлантирилган. Аммо Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 27 январдаги Р 10-сонли қарори билан барча суд қарорлари ноқонуний ва асоссиз бўлгани учун бекор қилиниб, қайта кўриш учун Тошкент вилояти хўжалик судига юборилган.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогарнинг даъвоси яна қаноатлантирилган ва 961-сонли давлат ордерини беришга асос бўлган олди-сотди шартномаси ва уч томонлама тузилган шартнома-битимни бекор қилмасдан туриб, ушбу ордерни бекор қилиш ҳисобига хусусий фирмага тегишли бинолар Фуқаролик кодексининг 482-моддасига зид равишда буздириб ташланиб, ер майдони тортиб олинган. Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг 2011 йил 13 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Шундан сўнг олти йил мобайнида хусусий мулкдорнинг кўплаб шикоят аризаларига мазмунан бир хил жавоблар берилаверган. 2017 йилда мазкур масалага дахлдор янги ҳолатлар очилади. Улар асосида Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суди 2018 йил 7 сентябрь куни Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқарган. 28.09.2018 йилда биринчи инстанция суди мазкур ишни қайта кўриб чиқиб, даъвогар – «Гулзор» хусусий корхонаси тугатилгани сабабли иш юритишни тугатган. Ушбу ажримга нисбатан Шайхонтоҳур тумани прокуратураси протест киритган. 2019 йил 11 январь куни Тошкент вилояти иқтисодий суди кассация инстанцияси Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 7 ва 25 сентябрдаги қонуний чиқарган ажримларини бекор қилиб, иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган ва Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирган. Ушбу қарордан норози бўлган Н.Раҳимжонов назорат тартибида Олий судга шикоят ёзган. Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати жорий йилнинг 6 январь куни Тошкент вилояти иқтисодий судининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги қарорга келган.

Узоқ вақтдан бери давом этиб келган мазкур чигал низога оид ҳужжатларни ўрганиш чоғида кўплаб саволлар юзага қалқиб чиқди. Чунончи, хусусий мулкнинг буздирилишига асос бўлган Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарорида Фуқаролик кодексининг 187-моддаси (мулкка узлуксиз равишда 15 йил эгалик қилган шахсга ушбу мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг вужудга келиши), Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддаси 4-қисми (агар даъво предмети бўлган корхона ташкилоти тугатилган бўлса, суд иш юритишни тугатиши шартлиги) ва 202-моддаси (иш янгидан кўрилаётганда Раёсат суди қарорларининг бажарилиши мажбурийлиги) талаблари эътиборга олинмаган. Қолаверса, Тошкент шаҳар ҳокимининг 1993 йил 15 июлдаги Ф 253-сонли фармойишида ер майдонларига даъво қилиш муддати 2 йил қилиб белгиланган, бироқ Тошкент вилояти хўжалик суди орадан 16 йил муддат ўтган бўлса-да, низоли ишни кўриб чиққан.

Афсуски, қонунбузарлик ҳолатлари шулардангина иборат эмас.

Тошкент вилояти хўжалик судининг қайд этилган қарорида Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 12.09.1994 йилдаги мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 961-сонли давлат ордери ҳақиқий эмас, деб ёзилган. Ваҳоланки, буздириб ташланган биноларга эгалик ҳуқуқини бериб, уларни давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида берилган Давлат мулк қўмитасининг 29.09.1993 йилдаги 167-сонли давлат ордери суд қарори билан ҳақиқий деб баҳоланган ва у ҳозирги пайтда ҳам қонуний кучга эга. Боз устига, Хўжалик процессуал кодексининг 55-моддасига мувофиқ 961-сонли давлат ордерини берган орган – Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Олий хўжалик судига мазкур ордер суд қарорида кўрсатилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 433-сонли қарори билан эмас, балки 366-сонли қарорига асосан қонуний равишда берилганини эътироф этиб, Тошкент вилояти хўжалик судининг 05.05.2011 йилдаги қарорини бекор қилиш ҳақида протест келтиришни сўраган. Лекин у рад этилган.

Ажабланарли ҳолатлардан яна бири шуки, 25.10.2010 йилда Олий хўжалик суди кассация босқичида ушбу ишни кўришга раислик қилган ва даъвони рад этиш тўғрисида қарор чиқарган судья И.Алимов 13.06.2011 йилда ўзининг қарорига зид қарор чиқарган. Қизғи, орада ўтган вақт ичида суд ишида янги очилган ҳолат пайдо бўлмаган ва қонунлар ҳам ўзгармаган. Ажабо!..

Тошкент шаҳар хўжалик суди Тошкент шаҳар ҳокимининг 15.07.1993 йилдаги Ф 253-сонли фармойишига илова қилинган «Тавсифнома»ни олиб ташлаб, унинг ўрнига мазкур фармойишнинг 8-иловасига асосан шаҳар ижроия қўмитасининг 13.07.1981 йилдаги бекор қилинган қарори ва чизмани қўйган ҳолда, Х. Сулаймонова номидаги суд экспертиза марказига тақдим этган.

Х.Сулаймонова номидаги суд экспертиза марказининг 2 нафар эксперти ушбу қалбаки ҳужжатлар асосида судга ёлғон хулоса берган. Уларнинг содир этган жиноятлари Чилонзор тумани прокуратураси томонидан аниқланиб, қонуний қарорга келинган. Афсуски, ушбу ҳолатларга судда ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти хўжалик суди Тошкент шаҳар ҳокимиятидан тадбиркорга берилган 11 та ҳужжатни қабул қилиб олган бўлса-да, улар суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилмаган. Ҳал қилув қарорида хусусий фирма ер майдонлари ва биноларига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмагани қайд этилган. Аслида эса хусусий фирмага тегишли ошхона биноси ва ер ҳудуди давлат кадастр рўйхатидан ўтказилган.

Ниҳоят, Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати қарори хусусида икки оғиз сўз: низо предмети ҳисобланган асл ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш ўрнига даъвогар тараф тугатилгани учунгина ишнинг тугатилгани мантиқан қанчалик тўғри? Чунки на Иқтисодий процессуал кодекс, на Олий хўжалик суди Пленумининг 2003 йилдаги «Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 111-сонли қарорида ишда иштирок этган шахс томонидан қонуний кучга кирган суд ҳужжатига тегишли янги очилган ҳолат бўйича берган аризасини Иқтисодий процессуал кодекснинг 326-моддасига асосан кўришда тарафлар тугатилган бўлса, ишни янги очилган ҳолатлар бўйича кўришни тақиқловчи биронта қоида мавжуд эмас. Янги очилган ҳолатлар жиноят ва экспертларнинг ёлғон кўрсатмаси эканининг эътиборга олинмагани янада ажабланарли. Бундан ташқари, олдинги суд ҳужжатлари бекор қилинмасдан туриб, ишнинг тугатилгани ҳам баҳсталаб. Энг муҳими, нима учун мазкур ишга нисбатан Иқтисодий процессуал кодекснинг 343-моддаси татбиқ этилмаган? Бу Конституцияга зид эмасми?

Ўз-ўзидан савол туғилади: тадбиркорнинг бузиб ташланган қонуний мулкининг зарари қачон қопланади? Зеро, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга биноан давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқини тиклашни ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Айнан шунинг учун ҳам қўлида қонун талаб қилган барча ҳужжатларга эга бўлган мулкдор 11 йилдан буён адолат изламоқда. У қонуний ҳужжат ва далиллар инобатга олиниши, таъбир жоиз бўлса, тириклай кўмилган мулкининг ўзига қайтарилишидан умидвор. Бунинг рўёбга чиқиш ёки чиқмаслиги эса мутасаддиларнинг масалага қай даражада ёндашувига боғлиқ.

Холли НОРБОЕВ,
«Ishonch»

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан

Қашқадарё вилояти

Наргиза Исматова Деҳқонобод туманидаги 2-мактабгача таълим ташкилотида қоровул бўлиб ишларди. Бир куни мудира уни чақириб, иш тартиби бир «ставка»дан яримтага туширилганини билдирди. Шундоқ ҳам маоши рўзғорнинг харажатларига етиб-етмай турган бир пайтда бу қарор оддий ходиманинг руҳиятини бутунлай тушириб юборди. Ахир, нима учун? Ходимнинг розилигисиз ҳам шундай кескин буйруқ чиқариш мумкинми?

Касаба уюшмаси аралашгач...

БЕКОР БЎЛГАН БУЙРУҚЛАР

ёхуд ходимлар манфаати қандай ҳимоя қилинмоқда?

Наргиза оилавий шароити туфайли ярим «ставка»да ишлай олмасди. Иш берувчи билан музокаралари натижа бермагач, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Деҳқонобод тумани кенгашига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб, иш берувчига тақдимнома киритилди ҳамда Н. Исматова тўлиқ иш ставкасига қайтарилди.

Шунга ўхшаш ҳолат тумандаги 17-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Дамин Эсанов билан ҳам рўй берди. Фақат бунда ўқитувчининг розилигисиз дарс соатлари камайтирилган эди. Унга ҳам туман кенгашининг аралашуви билан дарс соатлари қайтарилди. Тумандаги 76-умумтаълим мактабининг 15 нафар ўқитувчиси томонидан иш ҳақларини тўлиқ олмагани тўғрисидаги мурожаат ҳам ижобий ҳал этилди.

1-мактабгача таълим ташкилотида эса иш берувчи тўрт нафар ходимга улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан огоҳлантириш хати берган. Бу ҳам туман кенгашининг аралашуви билан бекор қилинди.

57-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Шерзод Абдуназаров эса ўтган йилнинг сентябрь-декабрь ойлари учун иш ҳақини ололмагач, боз устига, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингач, касаба уюшмасидан мадад сўрашга мажбур бўлди. Бу мурожаат ҳам ўз ечимини топди. Яъни, ходимнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилди...

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. «GOLDEN SUN» фермер хўжалигига тегишли бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Чинобод» ҚФЙ ҳудудида жами 3,1 га. ер майдонида жойлашган «Боғзор».

Бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм.

2. «DO'RMON AHMEDOV RAVSHAN BOG'I» фермер хўжалигига тегишли бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Дўрмон» ҚФЙ ҳудудида жами 3,40 га., шундан 2,0 га. ер майдонида жойлашган «Боғзор».

Бошланғич баҳоси – 15 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йил 9 март куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда ўтказилади.

Аукцион савдолари шу куни бўлмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 23 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишуви»ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ва 2-сон РХМС мувофиқ шартномага асосан тўловларни «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, ҳ/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301743808) тўлашлари лозим.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб жамиятнинг расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Мурожаат учун тел.: (95) 170-78-13. **el.pochta e-mail:** realtorservice@mail.uz.

Лицензия RR-0008

«Invest ko'chmas mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Фарғона илмий тажриба станцияси» МЧЖнинг буюртма хатига асосан Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, «2-Ўрмончилар» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 191-уйда жойлашган «Маъмурий» бино иншоотлари бир қисми (Литерлар 0003-айвон, 0004-ҳожатхона, 0005-устахона, 0006-омбор) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 95 322 602 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 12 март куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 09:00дан 18:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 10 март соат 18:00.

Дастлабки савдоларда мулк сотилмаган тақдирда, 2020 йил 9 апрель куни такрорий савдолар бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишдан бир кун олдин 18:00 да якунланади.

Савдога қўйилган мулк ва унга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида савдо объектининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда Савдо ташкилотчиси – «Invest Ko'chmas Mulk Savdo» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Трастбанк»нинг Фарғона вилояти филиали, ҳ/р: 22604000300499077001, МФО: 01123, СТИР: 303445495) тўлашлари лозим.

Савдо натижасига кўра, савдо ғолибига 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади, тўловларни амалга ошириш сотувчи томонидан белгиланади.

Савдолар бўлиб ўтадиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Фаробий кўчаси, 11/17-уй. Тел: (+99890) 307-11-88, (+99897) 415-51-11. **Веб-сайт:** www.uy-bozor.uz. **Телеграмдаги расмий канал:** @fargonauybozor.

Лицензия № RR-0238

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби (аввал Ойбек номидаги 16-мактаб) томонидан 2004 йилда Раджапова Гўзал Султонбековна номига берилган U №0512442 рақамли 9-синфни тамомлагани тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Улуғ мутафаккир даҳосига эҳтиром

Навоий замондошлари нигоҳида

Оразин ёпқоч, кўзумдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш...

Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим...

Лутфий

* * *

Хайриятки, бу киши ўз кучини асосан туркий асарлар ёзишга сарфлади, агар бутун куч-ғайрат ва истеъдодини форсий ижодга бахш этганда, бизга ўхшаганлар унинг соясида қолиб кетарди.

Абдураҳмон Жомий

* * *

Мир Алишер турк тилининг ўлик жасадига Масиҳ нафаси ила жон ато этди.

Ҳусайн Бойқаро

* * *

Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Ғарб нигоҳи Навоийда

Биз Навоийни қайтадан кашф этишни бошлаётган пайтда, у аллақачон фавқулодда улкан сиймо сифатида тан олинган эди.

Альфред Курелла, немис ёзувчиси

«Буюк шоирнинг қайта кашф қилиниши» асари («Шарқ юлдузи», 2014 й.)

* * *

Навоий – дунёни маънавий таназзулдан қутқара оладиган кўнгил боғининг боғбони.

Ҳарри Дик, канадалик олим

* * *

...Уни ҳеч муболағасиз ўз даври ва мамлакатининг Маисинези*, деб таърифлаш мумкин.

Эдуард Гранвил Браун, шарқшунос олим

«A History of Persian Literature Under the Tartar Dominion» (Cambridge, 1920 й.)

* Цезарнинг вазири ва маслаҳатчиси бўлган шоир Гаюс Маисинез адабиёт ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган.

* * *

Кўпинча бизни Алишер Навоийни идеаллаштиришда айблашади. Лекин Алишер Навоий шундай инсон бўлганки, уни идеаллаштирмаслик мумкин эмас!

Евгений Бертельс, шарқшунос

* * *

Навоий – туркий халқларнинг Чосер*и.

Бернард Лувис, тарихчи

* Жефри Чосер (1343-1400) XIV аср инглиз адабиёти отаси ҳисобланади.

* * *

Агар Навоий туркий халқларнинг Чосери бўлса, ўзбеклар учун у нафақат Чосер, балки Данте, Сервантес ва Шекспирдир.

Бери Ҳобермен, олим

«Chaucer of the Turks» («Агамсо» журнали, 1985 й.)

Ғафур ҒУЛОМ

Юксак тоғ оралаб ўкирган шернинг
Наърасига тенгдир акси садоси,
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда
Улуғ Алишернинг асрий нидоси.

* * *

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан боқиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан,
Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.
Унинг номи билан бирга битилган –
Дунё дафтарида ўзбек деган ном.

Абдулла ОРИПОВ

* * *

Менга Пушкин бир жаҳон-у
менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
кўксим осмон, ўзбегим.

Эркин ВОҲИДОВ

* * *

Навоий – нон. Тўсма. Унга борар йўлдан қоч,
Ғашлик қилма, тўрт ённи ҳам ёритаркан тож.
Навоийга ўзин урса, урма кофирни,
Ахир нонга мусулмон-у кофир бирдай оч.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

* * *

Мангу назм гулшани сўлмас,
Навоий-ку яшар то абад.
Оқибатсиз элда эрк бўлмас,
Мурувватсиз юртда саодат...
Буюк шоир дейиш-ку осон,
Ҳитобларга қўшилиб. Лекин
Навоийнинг тўйи
Биз қачон –
Арвоҳини шод этолган кун!

Муҳаммад ЮСУФ

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Не керак заминни титратмас сурур,
Кўкни қалтиратмас оҳни нетамиз.
Кўп ҳам давроннишин бўлавермай, юр,
Ҳазрат Навоийга кетамиз.

Ҳикматга йўғрилган унда ҳар бисот,
Қароққа жойлаймиз бари-барини.
Бир бориб келамиз.
Тушимда ул зот
Қаттиқ соғинибди набираларини...

* * *

Неки бир сўз изладим – Навоийдан топдим,
Қалб муродин кўзладим – Навоийдан топдим.

... Ватан надир? – Ўз уйинг ёки башар мулки?
Кўкламладим, кузладим – Навоийдан топдим.

Азим СУЮН

* * *

Сафма-саф ўтаркан эллар карвони
Тарихлар, замонлар довонларида,
Порлаб кўринади миллат виждони
Ҳазрат Навоийнинг девонларида.

Эшқобил ШУҚУР

* * *

Сирларини очар аста Навоий,
Гоҳ ҳазин, гоҳ масрур сасда Навоий.
Ишқ дўконин бунёд қилмиш муҳташам,
Ҳар ғазали – гулгун раста, Навоий.

Нодир ЖОНУЗОҚ

* * *

Воҳки! Кўнглим шу дамда бунча бунёд кўрингай,
Кўзим юмиб қарасам, бундан Ҳирот кўрингай,
Кўзим очиб қарасам, мангу ижод кўрингай,
Кўзим узмай тикилсам, шундай аждод кўрингай,
Кўз ёш билан қарасам, Пули Сирот кўрингай,
Бобо! Кўзларим ёнди – кўнгил шундай тўларкан,
Бундаги ҳар навниҳол чинордан бўй оларкан,
Ўзбекни излаганлар Навоийдан топаркан.

Шодмонқул САЛОМ

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.

Алишер Навоий

«Ҳайрат» бошқотирмаси

ЭНИГА: 6. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да тилга олган Жалолиддин Румийнинг ўғли Султон Валаднинг асари. **8.** «Ҳайрат ул-аброр»да келтириб ўтилган Макка шаҳридаги муқаддас булоқ. **10.** Шоир ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутган шаҳарлардан бири. **13.** Аруздa рубоий вазнининг номи. **14.** Навоий маҳорат билан ижод қилган шеърий жанр. **15.** «Сабъаи сайёр» достонининг бош қаҳрамони, етти иқлим подшоси. **16.** Шоир асарларида кўпроқ табиат лирикаси билан боғлиқ ҳолатда намоён бўладиган ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар ва жонсиз нарсаларга инсоннинг хусусиятларини кўчириш санъати. **19.** «Хамса» достонлари орасида «Ҳайрат ул-аброр» нинг учдан бир қисмини эгаллаган мумтоз шеър унсурларидан бири. **22.** Навоий ердан олинадиган даромаднинг харажатларга етарли қисмини қолдириб, ортганини халқ учун сарф этганини таъкидлаган асари. **23.** Ёш Алишер истеъдодига юксак баҳо берган ўзбек мутафаккир шоири. **26.** Мавлоно Навоий асарлари қаҳрамонларининг суратларини моҳирона чизган Ўзбекистон халқ мусаввири. **27.** Навоий девонларини 15-асрда қайта кўчирган машҳур ҳаттот. **28.** Ўрта асрларда мусулмон давлатларида олий ҳукмдорнинг шу ердаги вакили, ўринбосари. **29.** Ҳ.Бойқаро 1487 йил Навоийга амирлик унвонини бериб, ҳоким этиб тайинлаган вилоят. **30.** Алишер Навоийга бағишланган асар муаллифи, академик, ёзувчи. **32.** Навоий шеъриятида ёрнинг гўзал чеҳраси, хуш қадди ва табиий тароватини ифодалаб келадиган бир томони қизил, бир томони сариқ рангли гул.

БЎЙИГА: 1. Навоий «Тарихи мулуки Ажам»ни ёзишда кенг фойдаланган Шарафиддин Али Яздийнинг тарих илмига бағишланган асари. **2.** Классик адабиётда кенг тарқалган лирик жанр. **3.** Ўзаро дўстона муносабат, аҳил. **4.** Навоий асарларида кўп қўлланилган, инсонни ўраб турувчи борлиқ, дунё. **5.** Шоирнинг панднома йўналишидаги асари («... ул-жавоҳир»). **7.** Навоий ғазали билан ижро этиладиган машҳур классик қўшиқ. **9.** «Шаҳаншоҳ ўзингни падар, қизингни ...». Уйғун ва И.Султон. «Алишер Навоий». **11.** Навоий талқинидаги Чин мамлакатининг шаҳзодаси, тош йўнувчи ҳунарманд. **12.** Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарини ёзганида маҳорат билан фойдаланган, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бири бўлган, Саъдий Шерозийнинг машҳур асари. **17.** Навоий достони асосида яратилган опера. **18.** Навоий достонидаги Фарҳоднинг вафодор маъшуқаси, арман маликаси. **20.** Қадимий транспорт воситаси. **21.** «Алишер Навоий» кинофильмида Ҳусайн Бойқаро ролини маҳорат билан ижро этган актёр. **24.** Навоийнинг лирик асарларида гўзал маҳбуба тимсоли ва илоҳий ишқ мазҳари сифатида қўлланилган, ўзбек халқи таркибига кирган туркий элатларнинг бири. **25.** «Наводир уш-шабоб» да тилга олинган ёр, севикли, маҳбуба. **31.** «Ҳайрат ул-аброр» да таъкидланган олди очиқ, жундан тўқилган устки кийим.

Тузувчи: Шавкат Ҳидоятов

Мангуликка дахлдор ижод

Инсон яралибдики, вақт аталмиш олий ҳакам измига бўйсунади. Аммо дунёда бир нарса борки, у қанча замонлар ўтса-да, ўз қимматини йўқотмайди. Бу инсондан қолган яхши ном, мангуликка дахлдорликдир. Бундан беш юз йил илгари ёзилган шоҳ сатрлари, олтинга тенг битиклари билан ҳамон дунё аҳлини лол қолдириб келаётган Навоий бобомиз шахси ҳақида ана шу фикрларни айтгимиз келади. Зеро, ҳазратнинг ўзи ёзганидек:

«Бу гулшан ичра йўқдир
баҳо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса
яхшилик бирла от».

Ҳа, Навоий ҳақида, унинг жаҳон халқлари адабиётида тутган ўрни ҳақида қанча гапирсак, ёзсак – оз. Улуғ зот яратган маънавий хазина, ноёб дурдоналар инсоният йўлини ёритувчи нур, уни саодатга элтувчи йўл, жаҳолатдан халос этувчи нажот бўлиб хизмат қилмоқда.

Адабиётшунос олим А.Ҳайитметовнинг қайд этишича, Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърлари умумий миқдори «Хазойин ул-маоний» бўйича 3 минг 130 тадан зиёд. Бунга шоирнинг «Девони Фоний»даги, бошқа асарларидаги лирик шеърлари қўшилса, 4000 тадан ортади. Бироқ Навоий ҳақидаги асарларда, шу жумладан, навоийшуносларнинг битикларида шоир яратган асарлар миқдори бир ўринда 20 та, иккинчи ўринда 26 та, учинчи ўринда 32 та деб кўрсатилади.

Бизнингча, Навоий асарларининг миқдорини бошқача санаш, унинг ҳар бир шеърини, у ғазал, қитъа, рубоий бўладими – тугалланган асар деб ҳисоблаш керак. Масалан, Пушкин ёки Лермонтовнинг ҳар бир шеърига алоҳида асар деб қаралади-ку! Навоийнинг ўзи ҳам ўзини 20 та ёки 26 та асар ёзган деб ҳисобламаган, аксинча, бир қитъасида: «Менинг асарларим миқдори мингларча, уларни ҳеч ким ўғирлаб, тўла ўзлаштириб кета олмайди», деб қайд этади.

Эй Навоий, сўз ила онча
гуҳар сочтингким,
Баҳру қон кирди карб ерга
сенинг килкингдан.
Бирига ё ўнига ё юзига ё мингига
Дегай эл, найлагай ортиқ
эса эллик мингдин.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, буюк шоир ўз ижодий фаолияти давомида қўллаган сўзлар йиғиндиси ҳалигача ҳеч бир шоирга насиб этмаган. Унинг бадиий ва илмий асарларида бирорта сўз ноўрин ишлатилгани ҳалигача қайд этилмаган.

Навоий – бизнинг фахримиз, ғуруримиз. Кўплаб хорижий юртларда бобомизнинг ҳайкаллари ўрнатилган. Кутубхоналарида «Хамса», «Танланган асарлар», лирик тўпламларини севиб ўқишади.

Юртимизда ҳам бобомиз меросини ўрганиш, навоийшунослик яхши йўлга қўйилган. Аммо бу ҳали етарли эмасдек, назаримда. Истардимки, ҳар бир инсон қалбига Навоийнинг ўлмас сатрлари муҳрланса. Ана шундагина ҳақиқат, эзгулик, диёнат, муҳаббат доимо ғолиб бўлади.

Сайёра ҲОЖИЕВА,
Балиқчи туманидаги 12-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани кенгаши жамоаси Ўзбекистон сатира театри касаба уюшма қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ артисти, кино ва театр актёри Хайрулла Саъдиевга ўғли **Сардор САЪДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Ж. Наҳанов
Мусаҳҳиҳлар: С. Шодиева, З. Холмуҳаммедова, Д. Орипов
Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:00
Топширилди – 19:40

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 217. 30688 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130